


САФАР
БАРНОЕВ

ЧЕХРАЛАР



Шеърлар,
балладалар

Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитети
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти
1984



Болаликда кўрган дилга яқин чеҳралар, қиёфалар қорачининг тубига абадий сингиб кетади. Уларнинг дарду ҳасратлари эса беғубор юрагингга беихтиёр ўрнашади. Улғайганинг сари кўрганинг, билганингни бирор ҳамдард топиб, дилингни бушатгинг келади.

Менинг болалигим уруш даврида кечган, шу сабаб юрагимда урушга кетган жангчи йигитлар, фарзандларини кутган интизор оналар, вафодор келинчаклар сиймоси абадий яшайди.

Ана шу ниятда Буюк Ғалабамизнинг 40 йиллиги байрами бўсағасида ушбу тўйлам битилди.

Муаллиф

ҲАЁТБАХШЛИК

Сўзлар юракларга
Муҳр бўлсин деб,
Садоқат,
Муҳаббат,
Меҳр бўлсин деб,
Қасам ичадилар,
Ичирадилар.
Дўстдан кечадилар,
Кечирадилар...

Бу сатрлар «Қасам ҳақида баллада» шеърининг бошланиши. Унда икки дўстнинг оғир жангларда ичган қасамларидан кейинчалик кечганликларидан ачини5-ачини5 охирида шоир:

Сўзларда инсоннинг юраклари бор,
Сўзларда инсоннинг тилаклари бор,
Сўзлар шамолларга учмасин асло...
Инсон айтганидан кечмасин асло...

деб китобхонни қасамга содиқ қолишга ундайди.

Ҳозирги кунда Сафар Барноев ҳам шеъриятда, ҳам насрда баравар қалам тебратаётган ижодкор. Унинг икки жанрда бир қатор китоблари нашр этилди. Ўқувчиларнинг назарига тушиб бормоқда. Адабиёт учрашувларига бирга борганларимда бунга ишонганман, қувонганман.

Гап шундаки, Сафар адабиётга ўз айтадиган гапмавзуси билан кириб келмоқда. Қўлимиздаги бу китобда, унинг ўзи айтгандек, «Уруш даври болалари...» тақдирини куйламоқда. Туганмас армонни, ўлмас садоқатни, ёрқин ишончни қаламга олмоқда. Адибнинг кўпгина ёзганларида ана шу руҳ сезилмоқда.

Кузатган бўлсангиз шоирнинг 1975 йилда ёшларга аталган «Соғинч» номли тўплами нашр қилинган эди. Юқоридаги сатрларни эслатишимнинг боиси, у яна ўша соғинчли... армонли йилларнинг қиёфасини шеърларида суратини чизишга уринади. Сатрларда акс этган тасвирлар, ҳолатлар, манзаралар турли шаклларда ўз ифодасини топади. Мен шеърларни, балладаларни шарҳи-баён қилмоқчи эмасман, фақат эслатиб ўтмоқчиман. Ўзингиз тўпламдаги «Чехралар», «Икки дўст ҳақида

Баллада», «Қасам ҳақида баллада», «Адашган хабар балладаси», «Жаббор отанинг айтганлари», «Қушчаларим қўшиғи» каби қатор шеърларни ўқиғач, бунга қаноат ҳосил қиларсиз, деган умиддаман. Кўпчилик шеърларда бизга яқин одамларнинг тақдири ётади. Айниқса улар ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Демак, ҳар бир шеърнинг ўз дарди, дардкаши бор. Китобхон қалбидаги бор ҳисларни қайта уйғотади, эслатади, таскин беради, инсонга бўлган ихлосини оширади.

Сафар тўпламини «Чехралар» деб номлаган. Бу тўғри. Китобни ўқиганимда сенга юракдаги яқин чехралар армон билан кўз ўнгингда гавдаланади.

Эртанги куннинг қадрига етиш, бу кунни улуғлаш, номлари абадий қалбларимизга ёзилганларни эъзозлаб ўтиш — бу шоирнинг бош нияти. Лекин авторнинг бу ниятларини амалга оширишда ютуқ ва нуқсонлари борлиги табиий ҳол. Ижод доимо сайқал талаб қилади.

Мен болалар шеъриятига, прозасига сезиларли ҳисса қўшиб келаётган Сафаржоннинг катталар ва ўсмирлар шеърияти манзилига қилган ижодий сафарига зафарлар истайман.

П У П А Т М У М И Н

10. III. 1983 йил.

ЧЕҲРАЛАР

Йиллар ўтди. Хотирда қолди
Қорачиққа сингган чеҳралар.
Бугун мени бағрига олди
Кўз ёшимдек тинган чеҳралар.
Учрашарди баҳорда улар,
Тўрт томондан оқиб келарди.
Саноғ билан ўтарди кунлар,
Юрагини ёқиб келарди.
Уруғ-аймоғ эмасди улар,
Қондош қилиб қўйганди қисмат.
Бор-йўғини демасди улар,
Бир-бирини қиларди иззат.
Йиғилгандек тўю ҳашамга,
Келишарди ордендор, башанг.
Етти иқлим меҳри бу дамда
Дўстлар учун турарди яшаб.
Қайга улар қўймасин қадам,
Кетар эди гулдайн ёниб.
Хотиралар қизиб кетган дам
Келар эди қуёш уйғониб.
Сукут сақлаб туришарди гоҳ,
Ютолмайин бир қултум бода.
Кўзларда ёш қалқиб баногоҳ
Жанг, дўстлари келарди ёдга.
Оғрир эди зирқираб юрак,
Оғир эди баридан бу ҳол.
Жангчи учун дунё не керак,
Дўстларидан сўрмаса аҳвол?!
Беш йил ахир жангу жадалдан
Осон эмас қайтмоқлик омон.
Уруш деган азал-азалдан
Чеҳраларни айлаган сомон.

Мен уларни танирдим бир-бир,

Сўзлашарди мазмундор теран.
Бойлаганди уларни тақдир
Бари эди жангчи — ветеран.
Юрар эдим мен ҳам илашиб,
Уртоқ бўлиб қолгандим буткул.
Улар кўпга шодлик улашиб,
Қабрларга қўйишарди гул.

Мен уларни танирдим ахир,
Номларини билардим ёддан.
Учрашарди ҳар баҳор бир-бир,
Келишарди ҳатто Ҳиротдан...
Такрорланди ўттиз йил бу ҳол,
Такрорланди сўнгги йўқ ҳасрат.
Аста-аста бўлишдилар чол,
Бизлар эса бўлдик азамат,
Қўз ўнгимда уларнинг баста.
Унутмоқлик — заҳматдан-заҳмат,
Унутмаслик — яшамоқ асли.
Унутмаслик — буюк муҳаббат.
Мен уларни қандай унутай!
Яшилланиб далалар ранги
Келганида бу йил баҳор, май.
Учрашувга келди энг сўнгги
Жангчи ва мен чиқдим тез пешвоз...
Аста бошин эгиб қолди у...
Қаддин ростлаб сўнг аскарга хос
Атрофига назар солди у.

Не ўйлади тик туриб узоқ,
Сокин титроқ тарқалиб таңга?
Бунча чарчоқ сезмаганди ҳеч
Етганида ҳатто Берлинга.
Бормоқда у оғир одимлаб,
Ерга тираб ирғай ҳассасин.
Ўқимоқда балки пичирлаб

Учрашувнинг сўнги қиссасин.
Мен уларни танирдим бир-бир
Суҳбатларин тинглардим қониб.
Учраштирди ўттиз йил тақдир
Сўнг юлдуздек кетишди ёниб.
Баҳорни хуш кўрарди улар,
Учрашарди айна баҳорда.
Баҳор гаштин суради улар
Майли бўлсин сочлари қорда...
Жанг нимадир,
Дўстлик нимадир,
Нимадир у қадрдан ортиқ?
Мен уларда кўрдим бирма-бир,
Бу кунларим улардан тортиқ.
Бўшаб қолди учрашув майдон,
Сўнги жангчи чекади қайғу.
Улар номин томирдаги қон
Юракларга битади мангу.
Жасурликдир — уларнинг исми,
Улар,
турли, қизиқ, аломат.
Номаълумлар,
Маълумлар жисми
Эртамизни қилган саломат.

Учрашарди ҳар баҳор улар,
Тўрт томондан келарди оқиб.
Қани улар?..
Ўтмоқда кунлар...
Ўлтирибман расмга боқиб...
Учмас бўлиб хотирда қолди
Қорачиққа сингган чехралар.
Бугун мени бағрига олди
Кўз ёшимдек тинган чехралар.

1975

УРУШ БОЛАЛАРИ

Биз — уруш болалари,
Кўзимиз гавҳарига
Сингиб кетган бирма-бир
Урушнинг ташвишлари.
Онамизнинг пинжига
Биз тиқилиб ўсганмиз
Баҳору
Ёз, қишлари.
Тилимиз чиқмаганди
Отамиз
Қучиб,
Ўпиб,
Қутлуғ жангга кетганда,
Қон ичида, соғиниб
Бизга мактуб битганда
Тилимиз чиқмаганди.
Уруш деган сўз билан
Чиқди бизнинг тилимиз.
Отамиз бўлганида
Ота дея айтардик.
Кимдир йил қайтарганда,
Оғир деди йилимиз.
Оғир-оғир, шу сўзни
Кунда минг бор қайтардик.
Кўз тикишни ўргандик,
Сўнг отамиз йўлига.
(Ахир қуш уясида
Кўрганини қилади.)
Аста қараб ўсдик биз
Онамизнинг кўнглига.
Балки чайирлигимиз
Шундандир.
Ким билади?!
Почтальон кўчамиздан


Утиб қолса баногоҳ,
Ғилдиракдек ғилдираб
Чопар эдик изидан.
Онамизнинг мунғайиб
Ўтирганин кўрсак гоҳ,
Қўзимизни узмасдик
Тикилганча кўзидан.

Биз — уруш болалари,
Қўзимиз гавҳарига
Сингиб кетган бирма-бир
Урушнинг ташвишлари.
Онамизнинг пинжига
Биз тиқилиб ўсганмиз
Баҳору
Ёз, қишлари.
Отамиз-ку келмади,
(Буни ҳам билдик кейин.)
Онамиз излай-излай,
Ундирганда нафақа...
Қўникдик. Бу кўникиш
Қанчалар бўлсин қийин,
Отамиз руҳи билан
Ўсиб, улғайдик фақат.
Аммо димоғимизда
Порохларнинг ҳиди бор.
Эсласак, томоғимиз
Бирдан кетар ачишиб,
Бугун бизлар бахтиёр,
Бугун бизлар бахтиёр,
Тенгдошларимиз қўйди
Фазога йўл очишиб.

Биз — уруш болалари,
Қўзимиз билан кўрдик
Темирларга қоришиб,

Тупроқнинг занглагани.
Уруш жон олди деймиз,
Уруш қон олди деймиз.
Уруш заъфарон қилди
Ҳатто ернинг ранг-рўйин.
Биз — уруш болалари,
Ғалабанинг дамлари,
Урушнинг аламлари
Мангу яшайди бизда.
Шундан чайирмиз, чўнгмиз,
Оталар тилагини,
Оталар юрагини,
Келажакка ёритиб
Борувчи олов, чўғмиз.

1978



ДЕНГИЗ БАЛЛАДАСИ


Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,
Кўп кўрдим мен сайр этганда денгизда.
Балки дерсиз
Сўраб қолсалар агар:
«Денгизчининг сувга меҳри тенгсиз-да».
Сувга азал ўзгачадир муҳаббат,
Шу бир сўзда
Йўқлик,
Борлик бари жо.
Тушда агар сув кўрсангиз, ҳаммавақт
Яхшиликка ёйишади доимо.

Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,
Дерсиз: Бу ҳам сувга бўлган эътиқод.
Оҳ дўстларим, сирин билсангиз агар —
Денгизчилар сафдошларин қилар ёд.
Жанг йиллари...
Не йигитлар олишиб
Қолиб кетди сув бағрида — денгизда.
Пўртаналар — денгизларнинг нолиши,
Пўртаналар балки шундан тенгсиз-да.

Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,
Муқаддасдир дўстлар руҳи —
Гулчамбар!
Гул ёнидан ўтар экан ҳар сафар
Фарёд чекиб гудок чалар кемалар.
Сувни дерлар — обиҳаёт,
Шубҳа йўқ.
Жангда эса — денгизчининг мозори.
Сув бағрига чўкиб кетган мисли ўқ —
Жанг йиллари йигитларнинг оҳ, зори.

Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,

Бу қахрамон,
Денгизчига хос удум.
Денгиз бўйлаб юрарканман ҳар сафар
Мен денгизда
Мангу ёдгорлик кўрдим.
1977



ҚАСАМ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Сўзлар юракларга
Муҳр бўлсин деб,
Садоқат,
Муҳаббат,
Меҳр бўлсин деб
Қасам ичадилар
Ичирадилар,
Дўстдан кечадилар,
Кечирадилар.
Сўзларда инсоннинг юраклари бор,
Сўзларда инсоннинг тилаклари бор.
Сўзлар шамолларда учмасин асло,
Инсон айтганидан кечмасин асло.
Кечса...
Яшашининг қизиғи надир,
Қимнингдир ишончи шу кун ўладир.
Қонли жанг йиллари олисда қолди,
Қим айтар дардлари тамом йўқолди.
Янги иморатлар битиши мумкин,
Дарё ўз измидан ўтиши мумкин,
Мумкин шаҳар қурмоқ,
Мумкин кон топмоқ,
Мумкин обрў топмоқ,
Мумкин шон топмоқ.
Мумкин...
Эҳ-ҳе келар қанча мумкинлар..
Дардлар юракларда юрар мункиллаб..
Жон топмоқ қийиндир,
Ҳамма гап шунда.
Қасам,
Онт ичамиз нега биз унда?!
Қутулмоқ учунми
Оғир дамлардан?!
Қутулмоқ учунми

Ташвиш, ғамлардан?!
Оғир жанг йиллари икки ёш йигит,
Икки жўмард йигит,
Икки навқирон
Бирга дўст тутинди.
Бирга жанг қилди,
Бирга ёвузларга келтирди қирон.
Юрак ёнар эди,
Ер ёнар эди,
Юракда орзулар уйғонар эди.
Етаклаб кетарди ширин хаёллар,
Тушларга кирарди
Қизлар, аёллар.
Қизлар товушига ўрганмай қулоқ
Улар қўлларига олганди қурол
Уруш оғир эди,
Беаёв эди.
Ғафлат-йигитларга
Улим, ёв эди.
Гоҳ ўқлар товуши бир оз тинганда,
Яшашнинг умиди дилда унганда,
Орзу қилар эди икки навқирон:
«Жангу жадаллардан қайтолсак омон,
Уйланиб оламиз опа-сингилга,
Умрбод яшаймиз дўст бўлиб бирга.
Биримиз қиз кўрсак,
Биримиз ўғил.
Улар ҳам бизлардек бўлсин-чун аҳил,
Албатта бўламиз
Қуда-қудағай.
Дўстларнинг сўзлари ерда қолмағай.
Борди-ю, учириб кетса дайди ўқ..
Йўқ, йўқ!
Биз омон қайтамиз,
Омон қайтамиз,
Қасамёд қилганмиз

Қайта-қайта биз.

Борди-ю..

Борди-ю..

Қасамимиз шу.

Сенинг ота-онанг меники тамом,

Менинг ота-онам сеники тамом».

Яна жанг,

Яна жанг.

Тупроққа қоришиб кетган қон ҳиди,

Ботир бўл дер эди яшаш умиди.

Икки жўмард йигит ёлғиз юрмасди,

Ёлғиз қайтмоқликни раво кўрмасди.

Умид қанот берди,

Умид от берди.

Жангдан омон қайтди икки навқирон.

Икки жўмард йигит,

Икки мард йигит

Қувонч олиб қайтди бирга бир жаҳон.

Иккиси уйлади

Икки барнога.

Опа-сингилдан топилмади, рост.

Парво қилишмади,

Ўтди баҳор, ёз.

Насия қилишмади борди-келдини,

Кунлар ўтаверди отин елдириб.

Орзуни қарангки,

Бири қиз кўрди,

Бири ўғил кўрди қўчқордай.

Суюнчи беришга бирга шай турди,

Тўйиб ичиб олди иккиси ҳам май...

Ютиб чиққан каби бирга улоқдан,

Иккисининг эди оғзи қулоқда...

Кунлар ўтаверди отин елдириб,

Кимга қувонч бериб,

Кимни сўлдириб.

Жангдан омон қайтган икки навқирон
Бир куни йўл таялаб
Кетди икки ён.
Бошин чулғаб олди бирининг омад,
Юришмайин қолди бирининг иши.
Бабурд бўлиб қолди қасам ва ҳурмат,
Йироқлашиб кетди қувонч, ташвиши.
Бирининг чеҳраси ёнганда гулгун,
Бири ўз-ўзидан йиғлади беун..
Жангларда сўнмаган ишончи сўнди,
Суянган ўртоғи у учун ўлди.
Ва юрак қатидан таралди нидо:—
Умрбод яшасин қасам ва вафо,
Майли ёниб турган
Чироқлар сўнсин.
Майли қайнаб турган
Булоқлар тинсин.
Сўнмасин юракнинг чўғ, алангаси,
Вафоси,
Қасами, ҳамма, ҳаммаси...

Сўзларда инсоннинг юраклари бор,
Сўзларда инсоннинг тилаклари бор.
Сўзлар шамолларда учмасин асло,
Инсон айтганидан кечмасин асло.
Кечса...
Яшашининг қизиғи надир,
Кимнингдир ишончи шу кун ўладир...

Сўзларда инсоннинг юраклари бор,
Сўзларда инсоннинг тилаклари бор.

1976

Тунда осойишталик чўкканида борлиққа,
Тўлин ой нурларини тўкканида борлиққа,
Уйқуга кетганида дарёларда балиқлар,
Тонгни туш кўрганида чўлда чўпон-чўлиқлар,
Ажиб бир шивир-шивир бошланади шу палла,
Йўқ...

Йўқ...

Шивир-шивирмас, гўё ёқимли алла:

«Осойишта бу дунё»,

«Осойишта бу дунё»—

Қайдан келар бу садо,

Қайдан келар садолар,

Хўрсиниққа, ишончга тўлиб келган наволар?!

Ё тунда ёлғиз қолган юраклар бўзлайдими?

Меҳрдан тўйиб олган юраклар сўзлайдими?

Сўзлайдими тўлин ой?

Сўзлайдими мавжудот!

Қулоғимга чалинар ушбу сўзлар бот-бот:

«Осойишта бу дунё»,

«Осойишта бу дунё»—

Она ер тўйиб-тўйиб нафас олгандек бўлар,

Юлдузлар бу садодан қотиб қолгандек бўлар,

Бир ширин кулиб қўяр бешикда ётган гўдак,

Она учун бу дамда бошқа бир олам йўқдак,

Тинглаб ётар коинот,

Тинглаб ётар коинот,

Борлиқ узра ёйилар ушбу шивир бот-бот:

«Осойишта бу дунё»,

«Осойишта бу дунё».

Йўқ...


Бу сўзлар учганмас ой юлдузнинг лабидан,

Улар ҳамон таралар миллион жангчи

қалбидан.

Ахир жанг қурбонлари ҳамон уйғоқ ётибди,
Ким айтади уларнинг офтоби ботибди.
Тунлар ой чиққанида ой бўлиб боқар улар,
Мангулик машъаласин дилларда ёқар улар.
Гоҳи хўрсиниш билан,
Гоҳида нолиш билан,
Гоҳида қувонч билан,
Гоҳида ишонч билан,
Эркалатган сўзларин айтолмаган юраклар,
Остонасин тарк этиб, қайтолмаган юраклар
Нидо берар тунлари,
Нидо берар тунлари,
Борлиқ узра ёйилар жўр бўлиб оҳ, унлари:
«Осойишта бу дунё»,
«Осойишта бу дунё»—
Тун бўйи чулғаб ётар ер юзини нидолар,
Тун бўйи нафас олар биз билан жонфидолар.
Бу эмас тунги фарёд,
Бу демак бунёд, бунёд.
Аллаларкан бағрида бизни она коинот,
Қулоғимиз остида янграр нидо бот-бот:
«Осойишта бу дунё»,
«Осойишта бу дунё».

1979



УЧБУРЧАК МАКТУБЛАР

Учбурчак мактубларни
Кутардик.
Биз зор эдик.
Учбурчак мактубларда
Ҳаётимиз бор эди.
«Тирикман»,
Ё «Жангдаман»
Деган битта сўз билан
Қувнардик, иш бўлмасди
Ҳатто ризқ-рўз билан.
Эшикни чертса биров,
Шақилласа шақилдоқ,
Ҳаяжонга тушардик
Вужудимиз кўз-қулоқ.
Асрим шошириб қўйди
Бугун инсон ақлини.
Бизлар унутдик тамом
Учбурчак хат шаклини.
Аммо, унутмадик, йўқ,
Соғиниш дардларини.
Ер эмас,
Қалбга кўмдик
Юртимиз мардларини..
Уруш..
Тала-тўп йиллар
Яшарди ғам хотиржам..
Кунлар юрагимизга
Экарди қайғу, алам.
Лабларда кулгу қотган,
Қиприкларда аччиқ ёш.
Қиш, майли,
Саратонда
Қуёш боқарди ювош.
Кўчалар жим,

Уйлар жим
Елка қисиқ,
Бош эгик.
Катталар ҳасратини
Билмасдик,
Бола эдик.
Ногаҳон кулиб қўйсақ,
Уйнасақ қий-чувлашиб.
Онамиз,
Ё бувимиз
Тўхтатиб, ҳай-ҳайлашиб:
«Жим,— дерди,—
Кулма, болам.
Қўшнимизнинг уйида
Кечадан бери мотам.
Эшитиб ранжимасин,
Қўни-қўшнимиз ахир.
Уғли урушда ўлди,
Билсанг, қанчалар оғир»...
Билардикми,
Билмасдик,
Жимиб қолардик дарров.
Кулгу, ўйинимизга
Уруш бўлган эди ёв.
Кўчалар жим,
Уйлар жим.
Онамиз йиғлар беун...
Учбурчак мактублар ҳам
Келмай қолди-ку бир кун...
Юрагимиз тош бўлди,
Қизарди кипригимиз.
Жанг майдонида қолди
Отамиз — кўпригимиз.
Асрим шошириб қўйди
Бугун инсон ақлини.
Бизлар унутдик тамом

Учбурчак хат шаклини.
 Эҳ-ҳе... бир кун кулдик биз,
 Аччиқ йиғи аралаш.
 Кулгимизнинг ранг-рўйи
 Қандай эди қонталаш.
 Эшиклар ланг очилди,
 Деразадан кирди нур.
 Чоллар дуо ўқиди:
 «Шунга,
 Шунга ҳам шукур.»
 Майсаларнинг лабидан
 Кўкариб чиқди кулгу.
 Кулгуларга ўралиб
 Юракда қолди қайғу.
 Қуёш бир қалқиб кетди,
 Оғир хўрсинди тупроқ,
 Бағримга бош қўйди, деб
 Йигирма миллион чақмоқ.
 Асрим шошириб қўйди.
 Бугун инсон ақлини.
 Бизлар унутдик тамом
 Учбурчак хат шаклини.
 Аммо унутмадик, йўқ.
 Юртимиз мардларини.
 Опичлаб юрмоқдамиз
 Уларнинг дардларини.
 Бугун кўчалар гавжум,
 Қалбда пинҳон оҳ-воҳлар.
 Ҳамон қорачиқларда
 Яшар таниш нигоҳлар..

1980



Қўшнимиз жангдан қайтди,
Қовун пишиғи эди.
Қай уйда шодумонлик,
Қай уйда йиғи эди.
Қўчиб чиқди кексалар,
Қўчиб чиқди болалар.
Бизларга қанд улашди
Дастурхончи холалар.
Меҳмонлар,
Қариндошлар
Қолганда сийраклашиб,
Бизлар — қўшнимиз билан,
Қаранг , кетдик сирлашиб.
Эсимда,
Қўшни деди:
— Энди яшар омонлик!
Тамом,
Тугади тамом:
Ёвузлик ва ёмонлик.
Хайрият, деди чоллар.
Хайрият-эй,
Хайрият.
Энди рўёбга чиқар
Ҳаммамиз қилган ният.

Меҳмонни кузатаркан,
Қилар экан хайри-хуш,
Қўшни деди:
— Ҳеч қачон
Энди бўлмайди уруш!
Энди бўлмайди уруш!
Қўшнимиз ростгўй эди,
Ростгўй,
Яна бир сўзлик,
Ишонарди:
Тугади
Ёмонлик,
Ва ёвузлик,
Бизлар ҳам ишонардик.
Кун ботиб,
Тонг отарди,
Билмасдик, аллақайда
Ёвузликлар ётарди.
Ётарди фисқу фасод,
Ётарди ранги заҳил.
Уни жангчи қўшнимиз,
Билмас эди-да, ахир.
Бугун тўлғоқдадир ер,
Тўлғоқдадир самомиз,
Тушда кўрмаган буни.
Сира Момо ҳавомиз,
Тинчлик истайди замин,
Истар,
Истар омонлик.
Қўшнимиз айтганидек
Тугар
Ёвуз ёмонлик.
Қўрқитолмас атомлар,
Қўрқитолмас атомлар,
Қўлини-қўлга ташлаб
Турганида одамлар.

Шундай орзу,
Уй билан
Еримиз айланади.
Тинчлик!
Бизнинг бу ният
Қалбларга жойланади.

1979



Ҳар баҳор,
Ҳар байрам чол-камфир
Гул қўяр ҳайкалнинг пойига.
Бу удум такрордир неча йил,
Қандамас куни ҳам, ойи ҳам.
Иккиси яшади ҳамиша аҳил,
Қувонч ҳам,
Алам ҳам ўртада.
Сўзлашса, хотира хилма-хил,
Кўп кўрдим, дейди чол жўрттага...
Кўргани нима ҳам бўларди:
Даласи,
Кетмони,
Қора хат...
Хамда юрт тинчлигин ўйлади,
Кампири яшади бетоқат.
Бетоқат яшаши: кенжаси
Қайтмади, урушдан қайтмади.
Нолалар қилганда кечаси,
Чол нохуш хабарни айтмади.
Сабр қил, деди у, сабр қил,
Бир куни қайтади соғ-омон.
Не десин, ўзи ҳам шунча йил
Ковурилиб ётибди беомон.
Кун ўтар,
Кеч кирар, кампирин
Юзига тикилиб турар чол.
Айтса... кампирига кўп қийин,
Айтмаса...

кийнайди шу савол.
Чол буни кўп кўрди чамалаб —
Айтмади.
Юракда қийноғи.
Уруш-қв қувончни арралаб,

Сўндирди умрининг чироғин.
Кампири бу гапдан беҳабар,
Кутади ўрта-кеч кенжасин.
Сабр қил, дейди чол ҳар сафар,
Ёндирган чироғинг ўчмасин...
Чол ўзин аҳволин билади,
Гоҳ бўлмас хаёли жойида.
Кампирни етаклаб келади
Қадрдон ҳайкалнинг пойига.
Ва шундан топади у таскин,
Кенжасин учратган мисоли.
Ҳайкаллар туришар кўп вазмин,
Ҳайкаллар мангулик тимсоли.
Ҳар баҳор,
Ҳар байрам, чол-кампир
Гул қўяр ҳайкалнинг пойига.
Бу удум такрордир неча йил,
Қандамас куни ҳам, оғи ҳам.
Ургатади кампирин шунга чол,
Ургатади...
Юракда қийноғи.
Уртада кўндаланг бир савол,
Кампирга номаълум буёғи..

1980



ҚУШНИ ҚАМПИР ИЛТИЖОЛАРИ

Қари тутнинг шохларидек суякларим мўрт
бўлди,
Йўлингизга қарайвериб бу кўзларим тўрт
бўлди.

Омон ўғлим!

Даврон ўғлим.

Султон ўғлим!

Жон ўғлим!

Ой-юлдузим, бошимдаги осмонларим эдингиз,
Алпомишдай, Алпомишдай посбонларим
эдингиз,

Элу юртга кўз-кўз қилган дostonларим
эдингиз,

Гуллаб-гуллаб яшнагувчи армонларим эдингиз,
Мен чиройда ой эдим,

Бағрим бутун, бой эдим.

Уч ўғлим бор, уч шунқорим,—

Дея хотамтой эдим.

Танлаб-танлаб исмингизни китоблардан
ахтардим,

Бағрингизга нур-зиёни офтоблардан
ахтардим.

Сизни жўмардим, дедим,

Ботирим, мардим, дедим.

Қувончимни олинглар,

Менга-чи, дардим, дедим.

Сизни кетма-кет туғиб меҳрга кўмилгандим,

Дунё агар шу бўлса, дунёга чўмилгандим.

Омон ўғлим!

Даврон ўғлим!

Султон ўғлим!

Жон ўғлим!

Омон бўлсин юртимиз деб биринг Омон
атадим,

Даврон энди меники деб, биринг Даврон
атадим,
Султон бўлиб яшасин деб, биринг Султон
атадим,
Жонимга жон бўлсин дея барингиз Жон
атадим,
Ном олгандим бу қишлоқда «Хирмондайин
келинчак»,
Дардлиларга дардкаш эдим, тинмас эдим.
қуюнчак.

Бир кун қаддим букилди,
Бир кун ёшим тўкилди.

Омон кетди...

Даврон кетди...

Султон кетди...

Жон кетди...

Авайлаган, асраган юракдан дармон кетди,

Қора бўлди кундузим, бошимдан осмон

кетди.

Сизни кетма-кет туғдим,

Дейишганди катта бахт.

Кетма-кет учингиздан,

Келиб қолди қора хат.

Омондан келганида Омоним деб йиғладим,

Даврондан келганида Давроним деб

йиғладим,

Султондан келганида Султоним деб йиғладим,

Мени ёлғиз қолдирган жаҳоним деб йиғладим.

Қонга тўлган юрагим мозорларга айланди,

Ҳасратларим тугамас бозорларга айланди.

Қадди-қоматингизни отангиз кўрмай кетди,

Менинг йўлим отангиз йўлларига бойланди.

Омон ўғлим!

Даврон ўғлим!

Султон ўғлим!

Жон ўғлим!

Қўшни кампир эрта-кеч такрорлайди бетиним:
Омон бўлсин!
Даврон бўлсин!
Султон бўлсин!—
Жон бўлсин!

Қуёш ботиб, тонг отади, қўшни кампир
имиллар,
Кўз ёшида ўғилларин қиёфаси жимирлар.
Остонада йўлга боқар, ожизгина мунғайиб,
Ниманидир шивирлайди, гоҳи кетар мункайиб.
...Қари тутнинг шохларидек суякларим мўрт
бўлди,
Йўлингизга қарайвериб бу кўзларим тўрт
бўлди.

Омон ўғлим!
Даврон ўғлим!
Султон ўғлим!
Жон ўғлим!
Эшик зулфин ушлаганча қотиб қолар мана у,
Қуёшдаин уфқ сари ботиб борар мана у.
Омон қани?
Даврон қани?
Султон қани?
Жон... қани?

1983



ЖАББОР ОТАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Урик пишган пайт эди,
Тагига тушган пайт эди.
Менинг ўғлим — Қамолим
Хўп тўлишган пайт эди.
Олмосим деб атардим,
Толмасим деб атардим.
Чавандозим изимдан
Қолмасин деб атардим.
Кўпга келган тўй экан... кузатиб қўйдим
жангга,
Борлиғим, жоним билан бахшида деб Ватанга.
Той олгандим от бўлди,
Учқур қўшқанот бўлди.
Орзуларим ўзимга —
Қаранг, мана ёт бўлди.
Кутдим, кутдим, жон ҳалак,
Чидаб берди бу юрак.
Кутгандим, келди хабар,
Йўқолган деб бедарак.
Бедарак кетди шундан орзую армонларим,
Бедарак кетди шундан қувватим,
дармонларим.
Шамолдан келди хабар,
Ундан хабар келмади.

Қонга айланди жигар,
Мендан бұлак билмади.
Қунлар бунча елдиirim,
Дунё — бунча чархпалак.
Мана оғрир болдирим,
Кўзда нур йўқ, жон ҳалак.
Мана, ҳў, ўтган аёлни келин қилмоқчийдим,
Элу юртни тўйига мен йириб келмоқчийдим.
Болалари бир этак... неварам бўлар эди,
Ҳассамни олиб қочар чеварам бўлар эди.
Уйга кирсам тўрт девор
Қисиб келар,
Қисиниб —
—Яшаяпман, мен ночор —
Ўз меҳримга исиниб.
Дейишар:— Жуда ёмон болалар етим қолса!
Мен дейман:—Жуда ёмон оталар етим қолса!
Той олгандим от бўлди,
Учқур, қўшқанот бўлди.
Бедаракни... кутмоқлик,
Мен учун ҳаёт бўлди.

1983



ҚУШЧАЛАРИМ ҚУШИҒИ

Тонгда туриб тилга кирган
Қушчаларим сўйлайди:
Биласизми, чуғурлашиб
Улар нени куйлайди:
«Тинчлик бўлсин,
Тинчлик бўлсин»—
Қушчаларим қўшиғи.
Қуёш сари талпинади,
Улар — қуёш ошиғи.
Мана, қуёш нурин сочди,
Олам нурга бурканди.
Қапалак ҳам камалакдек
Товланишни ўрганди.
Гулларга ҳам ҳусн кирди,
Таратди ҳид, тароват.
Кўз қамашар,
Кўз қамашар,
Борлиқ ажиб, аломат.
Сайраб учган қушчаларим,
Сизга келар ҳавасим.
Қўрқув билманг,
Қўрқув билманг,
Йўқдир менинг қафасим.
Қафас бўлса, тинчлик бўлмас,
Бўлмас сира омонлик.
Қафас ўзи — нотинчликдир,
Қафас ўзи — ёмонлик.
Сизга боқиб турган, ҳу чол,
Биласизми ким эди.
Ботир эди,
Жўмард эди,
Ғамхўр муаллим эди.
Ёнидаги овунчоқмас,
Унинг қўлтиқтаёғи.

Қутлуғ жангда қолиб кетган
Унинг икки оёғи.
Укинмайди,
Укинмайди,
Эркин олар нафасни.
Чунки бу чол яксон этди
Уша ёвуз қафасни.
Қафас ичра яшамоқ не,
Қушчаларим, биласиз?
Дон-дун сепсам, қанот қоқиб
Ёнгинамга келасиз.
Эрка қушсиз,
Эркин қушсиз,
Парвозингиз хўп баланд.
Меҳрингиз-ла,
Сеҳрингиз-ла
Дилимизга сиз пайванд.
Тонгда туриб минг оҳангда
Ширин-ширин сўзлайсиз.
«Тинчлик бўлсин,
Тинчлик бўлсин»—
Шўх тарона куйлайсиз.
Сизлар бизга эркасиз-ку,
Бизлар сизга эркамиз.
Қуёш кулиб турганидек
Яшнамоқда эртамиз.
Биз боғларни яшнатамиз,
Сизлар қўнинг,
Куйланг деб.
Бизлар билан яйраб, яшнаб,
Ширин-ширин сўйланг деб.
Уруш нима?
Ёвузлик не?
Қафас ўзи нимадир?!—
Уша қўлтиқтаёқли чол
Сизга айтиб берадир.

Сиз яйрайсиз,
Сиз сайрайсиз,
У турибди кўз тикиб.
Гапим бор деб юрагимда,
Қулоқ тутиб энтикиб.
Мана, қувнаб кулиб қўйди,
Юзларида балқди нур.
Ғолибликнинг нишонаси,
Бу табассум, бу сурур.
Қушчаларим, думалоқ ер
Атрофида учгансиз..
Водийлардан-водийларга
Паноҳ излаб кўчгансиз.
Биласизми,
Қай бурчакда туғилмоқда
Емонлик.
Не ёвузлар ер юзига
Бермайлик, деб омонлик,
Қурол ясар: Қурол — қўрқув,
Омонликка — бу қафас.
Қушчаларим!
Биз сергакмиз
Биз сергакмиз ҳар нафас.
Қушчаларим!
Бу чаманнинг таърифини
Қуйланг, сиз.
Қуёшгача учиб бориб
Қулоғига сўйланг сиз.
Бир ўлка бор,
Бир ўлка бор,
Тонги тинчлик деб отар.
Ер юзини шу сўз билан
Айтинг, шу юрт уйғотар.
Бизлар бормиз,
Сизлар борсиз,
Тинчлик асло бузилмас.

Қуёш кулиб турар экан
Ҳеч қандай ўқ узилмас.
Тонгда туриб тилга кирган
Қушчаларим — шўхлигим.
Ғолиб Ватан фарзандиман,
Шудир кўнгил тўқлигим.

1978



ОТАМНИНГ ҰРТОҚЛАРИ

Олтмишдан ошиб қолди отамнинг ўртоқлари,
Олтмишда куч нелигин бир кўрарсиз чамалаб.
Мен-чи?

Қолиб кетди менинг ҳам шўх болалик
Олтмишнинг тенг ярмига етибман бир
Минг ўқиб, уққан билан керакдир бир

Дарёга қуйилмаса ирмоқлардан не фойда.
Қанча қадим бўлмасин ернинг ҳам бор
Тарихингдан сўзларлар — Бобо тарих бор

Отамнинг ўртоқлари суянганим, суйганим,
Кўнгил сўраб боргали вақт тополмайман
Қай сўзла баён айлай улар меҳрин туйганим,
Тезкор замон ҳаммани ўзи билан қилган

Отам ўртоқларида мен отамни кўраман,
Олтмишдан ошган улар, ғайратининг чеки йўқ.
Бу кунларга етганлар меҳнат, ёруғ юз билан,
Юртга жон фидо қилган, шунинг учун кўнгил

Отамнинг ўртоқлари тўпланиб қолса бир қур,
Жангларда қолиб кетган ўртоқларин эслашар.
Тенгқурдан ажралмоқ не, фақат билади

тенгқур,

Отам ўрнида кўриб, улар мени сизлашар...

Олтмишинчи йилларда ақлим ҳам пишиб

қолди,

Кексалар айтганидек кўринди бўйи-бастим.

Аmmo менинг қалбимга бу сўз изтироб солди,

Отам жангда ўлганда йигит бўлгандим асти...

Отамнинг ўртоқлари, сизга келмасин малол,

Баъзан ақлли бўлиб сизга бермасам навбат.

Отам ўрнида кўринг, такрорланса шундай ҳол,

Бизни жуда эртaroқ етилтирди ахир вақт.

Олтмишнинг тенг ярмида ота деган номим бор,

Узим ота меҳрига тўймай, таҳқирланганман.


Отамнинг ўртоқлари сизлар шону ифтихор,

Сизнинг борлигингиздан мангу фахрланганман.

Олтмишдан ошиб қолди отамнинг ўртоқлари,

Жангчининг камаридай белида белбоғлари...

1976



ИККИ ДУСТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Улар менинг танишларим,
Ҳамқишлоқларим эди.
Илк бор билган ташвишларим,
Қалби покларим эди.
Суюнарни баҳор келса,
Бўйин чўзса бойчечак.
«Бормисан-эй, бормисан-эй,
Бормисан-эй, гул-чечак.
Сени яна кўрайлик деб,
минг бор жангда ўлдик биз.
Минг бор, минг бор кўкардигу
минг бор яна сўлдик биз.
Омон экан бу боғимиз
омонлик деб қайтдик биз.
Дўстларимиз армонини
сенга келиб айтдик биз.
Кўкарақол гул-чечагим,
кўкарақол, бойчечак.
Ҳасратини йиғиб қўйиб
сени терсин келинчак».
Икки ўртоқ қўшиқ қилиб
мунгли-мунгли куйларди.
Ажаб-ажаб кун келди деб,
бир-бирига сўйларди.
Тўймас эди гул ҳуснига
Тўймас эди баҳорга.
Хурсанд эди, хурсанд эди,
Юрибмиз деб қаторда.
Бирисида ўнг оёқ йўқ,
Бирисида чап оёқ.
Кўзларида ёнарди чўғ,
Енбошда қўлтиқтаёқ.
Оға дерди бир-бирини,
«Оға, оёқлар қалай?»

Яшаш деган пешонада
 бор эканда ҳар қалай.
 Унг оёғим мен қолдирдим
 ўша Дунай бўйида.
 Чап оёғим етолмади
 Ғалабанинг тўйига.
 Етганда бир ўйнардим,
 ер лорсиллаб кетарди.
 Тўрт мучамиз омон қайтса,
 бунга нима етарди».

Улар сўзи юрагимга.
 Жо бўларди кун сайин.
 Гоҳи ушлаб билагимдан
 Сўз қотарди атайин.
 «Укахон-ай, укахоним, биз кўрганни
 сен кўрма.
 Кўраяпсан аҳволимиз, биз юргандай
 сен юрма.
 Сен қуёшга интилгину
 омонлик деб қўшиқ айт.
 Бу дунёдан тугаб кетсин
 ёмонлик деб қўшиқ айт.
 Қўшиқ айтгин тинчлик учун,
 тинч ухлай деб қўшиқ айт,
 Оғаларинг дардларини
 сўзларингга қўшиб айт».

Улар сўзин тинглар эдим
 Жимжитгина бош эгиб.
 Қосиб бувам оғаларга
 Тикар эди ғарч этик.
 Бувам доим тикар эди
 Суриштирмай, сўрамай.
 Янгисидан кийсин дерди
 Келса баҳор, келса май.
 Оғаларим гоҳ ийманиб,
 Очиб қолса қолчиғин,

Буважоним титраб кетиб
Чиқар эди аччиғи.
«Кийинг, менинг полвонларим,
кияверинг тепкилаб,
Мен меҳримни сотмаганман,
мен ҳам бир меҳр талаб».

Улар менинг танишларим,
Ҳамқишлоқларим эди.
Илк бор билган ташвишларим,
Қалби покларим эди.
Неча баҳор шундай ўтди,
Неча қишу ёз ўтди.
Оғаларим ҳисобида
Ўтган кунлар саз ўтди.
Саз ўтдими бувам учун,
билолмадим билмадим,
Бир пой этик битганида
битта оғам келмади.
Бувам шу кун то кечгача
юрди жимжит қорайиб,
Қатта ҳовли кичик бўлди,
сиқиб келди торайиб.
Елғиз қолди битта оғам,
Қора тортди аламдан.
Келганида бу йил кўклам,
У ҳам ўтди оламдан.
Бувам қаттиқ инградилар,
инградилар ўша кун.
Қосибликнинг баҳридан ҳам
воз кечдилар бус-бутун.
Мана, меҳр полвонларни
тортиб кетди, дедилар.
Ахир, улар тақдири ҳам
боғлиқ эди, дедилар.
Қишлоқ жимжит,
Бувам жимжит.

Кўклам — баҳор бошланди.
Бойчечакни яна кўриб
Менинг кўзим ёшланди.
«Кўкаргин-ей, бойчечагим,
Кўкарақол, гул-чечак,
Ҳасратини йиғиб қўйиб
Сени терсин келинчак».
Оғаларим қўшиғини
Хотирамда тиклайман.
Юракдаги сўзларини
Мен борлиқдан тинглайман.
Энди билсам бир умрга
Ука бўлиб қолибман.
Бувам тиккан этиклар ҳам
Қолиб кетди қолипда.
Улар менинг танишларим,
Ҳамқишлоқларим эди.
Илк бор билган ташвишларим,
Қалби покларим эди.
Қўшиқ айтиб юрибман мен,
Ер лорсиллаб турибди.
Оғаларим, оғаларим
Хаёлимда юрибди.

1981



— Ука, мен сенга айтсам,
 Турфарангдир бу олам.—
 Шундай деб ичди қасам
 Урушда бўлган одам.
 — Булутдай йигит эдим,
 Бургутдай йигит эдим.
 Юрганда чақмоқ чаққан,
 Бағри бут йигит эдим.
 Танамда жароҳат кўп,
 Мана, ука, санаб кўр.
 Майдонда синалдим кўп,
 Узгармадим, синаб кўр.
 Жароҳат — бу жанглардан —
 Қолган мангу ёдгорлик.
 Кулдим ҳоли танглардан,
 Суюнчим бўлди борлиқ...
 Суюнчим — бу насибам,
 Юзма-юз ўлтирганим.
 Йигитлик завқинг, укам,
 Қалбимга тўлдирганим.
 Укам, укам, укажон!
 Дилни қийнар бир яра.
 Ҳавас қилма ҳеч қачон,
 Бу — қалбдаги хотира.

Мен-ку минг бор тирилдим,
Минг бора ўлдим яна.
Ҳасратим аста сим-сим,
Рангимга кўчди, мана.
Не қилай бор олчоқлар,
Уринмай яшар ҳануз.
Ҳануз ўша «қочоқлар»
Келиб қолар юзма-юз.
Наҳот, дейман қийналиб,
Жанг майдонин эслайман.
Майдонда кетган қолиб —
Дўстларимни излайман.
Бир маром оқар дарё,
Бир маром ўтар кунлар.
Қайдасиз меҳригиё —
Дўстлар, бағри бутунлар.
Мана у «қочоқ» эди,
Мана у олчоқ эди.
Билмасдингиз, мен билдим,
Болалик ўртоқ эди.
Бир тушганда изимиз,
Биз-ку, кўкракни тутдик.
Аямадик ўзимиз,
Ўзимизни биз кутдик.
Бизлар эдик темир тан,
Жонимиз ҳам темирдан.
Асло жароҳат эмас —
Юрагимни кемирган.
Гоҳ дуч келсам олчоққа,
Гоҳ дуч келсам «қочоққа»,
Қалтирайман, ярамни
Тутгандайин пичоққа.
Ўша завқ, ўша ҳузур
Улар юзида ўйнар.
Қуёш тенг сочади нур,
Мана шу мени қийнар.

Ука, мөн сенга айтсам,
Турфарангдир бу олам,—
Шундай деб ичди қасам,
Урушда бўлган одам.
Эҳ... деди қўлин силтаб,
Юрагини бўшатиб.
Пиёлага қўйди лаб,
Ширмой нонни ушатиб.

1982



АДАШГАН ХАБАР БАЛЛАДАСИ

1

У жангдан қайтган кун
Кичик хонадонида
Тўпланиб уруғ-аймоқ
Ўтказарди йилини.
Бунни сезмасди, бироқ,
Остонаси ёнида
Ўлтирган уч қизалоқ,
Ҳайрат қоплаб дилини.
Онасининг кўзига
Ҳайрон боқарди улар.
Йиғлаб айтган сўзига
Ҳайрон боқарди улар.
Ҳайрон боқарди улар
Қўшни-танишларига.
Тандир-тандир иссиқ нон
Киарди тушларига.

2

Жангчи эса шошарди,
Шошарди уйи томон.
Ўтган жангу жадални
Ўнутган эди тамом.
Ўнутган эди тамом

Орзиққан дамларини,
Хатто ўзи сезмасди
Босган қадамларини.
Кўрган-билган танишлар
Хайрон боқарди унга.
Сўниқ чеҳралар дили
Вайрон боқарди унга.
Жангчи эса шошарди,
Шошарди уйи томон.
Ўтган жангу жадални
Унутган эди тамом.

3

Болалар эргашарди,
Эргашарди кетидан.
Дунё ёришган мисол
Жангчининг қалб ўтидан.
Ёпирай, бу тушмикин,
Деганча ёқа ушлаб,
Боришарди баъзилар
Йигит қўлидан ушлаб.
Жангчи бундан беҳабар,
Беҳабар одимларди.
Ўлди деб ишонган ҳам
Ахир шу одамларди.
Ҳа, бу содда одамлар
Неларга ишонмади.
Қора хатда қоврилиб
Қанча куйиб, ёнмади.
Ўлдига чиққан одам
Ўртада юрса бу кун
Сўниб кетган ишонч ҳам,
Бўларкан остин-устун.
Жангчи бундан беҳабар
Беҳабар одимларди.

Уни ўраб олганлар
Беғубор одамларди.
Суюнчи ҳам бу дамда
Эсдан чиқиб кетганди.
Саволлардан жангчининг
Қулоқлари битганди.
У шошарди, шошарди,
Шошарди уйи томон.
Утган жангу жадални
Унутган эди тамом.
Кичик хонадонига
Мана етди ниҳоят.
Кимдир бу дам ўқирди
Қуръондан сура, оят.
Жангчи бирдан бўшашди,
Кўз юмиб, қадам босди.
Уни ҳайратга солди
Уйдагилар либоси.
Оҳ... ёлғиз онажони
Кўринди-ку кўзига.
Сукут сақлаб ҳеч кимса
Келолмасди ўзига.
Шивир-шивир, «ҳай-ҳай»дан
Битиб кетди қулоғи.
Сезмасди, ёнда турган
Ҳатто уч қизалоғин.
Одам бу дам ўзгарди.
Олам бу дам ўзгарди.
Адашиб келган хабар
Жангчи билан юзланди.
Фарёд чеккан дилларга
Севинч ипи бойланди.
Жангчи қадамларидан
Еру осмон айланди.
Йиғи ўрнин эгаллаб
Олди қотган табассум.

Мен ҳам кун кўрарманми
Дея ётган табассум.
Олам бу дам ўзгарди,
Одам бу дам ўзгарди.
Адашиб келган хабар
Жангчи билан юзланди.
Адашиб келган хабар,
Адашгани рост бўлди.
Бунга мана биродар
Неча қишу ёз бўлди.
Қайта яна қўзғолди
Битмай қолган яралар.
Қўз нурин йўлга тикди
Умидсиз дилпоралар.

5

Барига жангчи гувоҳ:
Адашиб келган хабар
Юзи ҳар дам шундайин
Шувит бўлсайди агар,
Сўлгин, сўлгин чеҳралар
Заъфарон бўлмас эди.
Интизор ёр, оналар
Гулдайин сўлмас эди.
Йигирма миллион хабар
Юз қора кезмас эди.
«Ўлди». Бу сўз муқаррар
Юракни эзмас эди.
Йигирма миллион шаҳид
Улмасликнинг тимсоли.
Адашиб келган хабар
Бу жангчининг мисоли.
Уликлар ва тириклар
Бу заминнинг устунни.
Улар ушлаб турибди
Ернинг ости-устини.

Хабар адашиб келди,
Балки ўнта, ягона.
Аммо биз адашмадик,
Адашмади замона.
Ўликлар, тирикларга
Жон-жонимиз пайванддир.
Тиниқ кўкда порлаган,
Қуёш доим баланддир.

1979



ЎТТИЗ ЕШЛИЛАР

*Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси,
қатор орден ва медаллар эгаси
Қаҳҳор ака Чориев ўзини «Мен 9
май — Ғалаба кунда туғилганман»
деб ҳисоблайди.*

Ўттиздаман дедингиз.

Ўттиздасиз!

Сиз қайта туғилган кун тўққизинчи Май эди,
Шу кун тарих қайтадан туғилган эди асти,
Сизни қутламоқ учун кўкда қуёш шай эди.
Бу кунларга етмоқлик тушингизга кирмасди.
Тушингизга кирмасди..тўрт йил жангу

жадалда

Минг бор қайта туғилиб,

Минг бор қайта ўлдингиз.

Сизга дуч келганида юзи қора ажал ҳам
Саҳрои ҳамлангиздан қаршингизда чўкди тиз.
Ўттиздаман, дедингиз кулдик ёшу яланглар,
Имо-ишора қилиб сочингизнинг оқига.

(Кинолардан кўрганмиз қандай бўлганин
жанглар)

Ол байроқ илинганда Рейхстаг пештоқига,

Гўдак эдик,

Қанду қурс кирарди тушимизга.

Сиз Ғалаба кунда туғилганман, дедингиз,
Ундан нарин сўзламоқ келмасди ҳушингизга..

Аслида-чи, ўшанда бизга ота эдингиз..

Ўттиздаман дедингиз.

Ўттиздасиз!

Олида қолиб кетди қирғин йиллар нафаси,
Мавриди келганида у кунларни эслаймиз.
Қим бепарво,

Кимларнинг сизга келар ҳаваси,
Сиз янги ҳамла билан янги кунни кўзлайсиз.
Не бўлса ҳам ёш-да, сиз...
Ахир ўттиз ёшдасиз!
Ўттиз ёшли қуролдош дўстларингиз саноқли...
Сиз дўстлар меҳрин туйган ҳар бир
қуролдошда сиз.
Ўтганлар ҳаққи бугун қиласиз вақти чоғлиқ.
Улар соғинчи яшар бир умр дилингизда,
Маълум,
Номаълум бўлиб улар мангу ётарлар.
Ғалаба сўзи тушмас бир нафас тилингиздан,
Бор бўлсин сизга тенгдош ўттиз ёшли оталар...
Ўттиздаман дедингиз,
Ўттиздасиз!
Невара-ю чевара ўлтирар тиззангизда.
Йигирма миллион соғинч,
Йигирма миллион севинч
Яшар ўттизингизда...

1975




Менинг ўз бурчим бор,
Менинг ўз бурчим бор.
Бурчим — ота мерос,
Қолаверса, ўзимга хос.
Яхшиларни танлаб-танлаб
Йиғмоқчиман,
Эзгуликнинг уруғини эймоқчиман.
Ҳар қадамда,
Ҳар бир дамда
Ёмонларнинг бошларини эгмоқчиман.
Яхшилик деб
Улиб кетди отам жангу жадалларда.
Тарих узра номин ёзиб
Йиллар ўтди.
Жадаллади.
Буюк бўлиб қолди бир юрт,
Суюк бўлиб қолди бир юрт
Инқилоб деб, ўққа учган,
Курашганлардан,
Ленин билан сафда турган,
Сўрашганлардан.
Гўдакларнинг кулгисини,
Яхшиларнинг туйғусини,
Ватаннинг соф ҳавосини,

Ошиқларнинг навосини
Асрамоқлик менинг бурчим.
Ер юзини алвон рангда кўрмоқчиман,
Яхшилар-ла қўл ушлашиб
юрмоқчиман.

Менинг ўз бурчим бор,
Менинг ўз бурчим бор.
Бурчим — ота мерос,
Қолаверса, ўзимга хос.
Могор босган юракларни,
Мозор бўлган юракларни,
Ҳис, туйғусиз,
Ва қайғусиз
Бозор бўлган юракларни
Мен сафлардан ўчираман,
Ўчирмоқлик — менинг бурчим!
Бундан ҳам олийроқ,
Бундан ҳам олдинроқ
Бурч бўлса агар,
Айтинг, сафингизга кирай, кечикмай.
Агар яхшилик деб курашмасам
Ҳеч кимман.

1977



БОБОМНИНГ ҚУЛЛАРИ

Бобомнинг қўлларидан кўклам ҳиди
келади,
Кўклам деган қутлуг сўз тушмайди
тилларидан.
Бобом қўлга олганда чақалоқ ҳам
кулади,
Бир оламнинг қувончи,
Завқи бор дилларида.
Қафтдагӣ чизиқлари шунчаки чизиқ
эмас,
Кўкариш,
Кўкартириш, деган сўзлар ёзиқлик.
Бобомнинг чеҳрасига қуёш қилади
қавас,
Бекорчи дамлари йўқ,
Вақтлари доим зиқ.
Ёш-яланглар келишар маслаҳат
сўрагали.
Ҳали раис чақирган,
Ҳали чорлар бригадир.
Деҳқон бува соғми, деб райком келар
кўргали,
Бобом элнинг ташвиши,
Қувончи-ла биргадир.
Манави ерлар чўл эди бобом кўчиб
келганда,
Бобом кўчиб келганда уч-тўрт чайла
бор эди.
Кулдириб сўзлайдилар мавриди
келганда,
Бобом қайга бормасин йўлдоши баҳор
эди.
Бобом ернинг тилини кўп яхши
биладилар,

Узларин асрагандай
 Асрайдилар ерни ҳам.
 Ерга соғлиқ керак, деб куюниб
 юрадилар.

— Ер ҳам меҳрга муҳтож,—
 Дерлар,— унутма, болам.
 Катталарнинг тилига уч-тўрт марта
 тушганлар,

Оппоқ хаёлларидай
 «Оқ олтин» ундирганда,
 Узлари айтганидай мисқол улуш
 қўшганлар,

Манави той йигитлар ҳосилни
 дўндирганда...
 Ерни севиб, авайлаб орттирганлари
 бир ном:

Деҳқон бува...
 Ардоқ ҳам шу сўзнинг замирида.
 Бобом тонгда меҳр-ла тупроққа берса
 салом,
 Бир йигитнинг ғайрати жўш урар
 томирида.

Бобомнинг топингани,
 Зеби-зийнати шу ер.
 Оппоқ тоғлардан олдин кўринар
 бўйи-басти,
 Бобомлар атрофида айланаркан,
 билсам, ер,
 Йўқса, қуёш бизларга шунча яқин
 келмасди..

Кўкариш,
 Кўкартириш — шудир бутун хаёли,
 Баҳор деган сўз билан чиққан унинг
 тили ҳам.
 Чеҳрасида кўринар Ўзбекистон жамоли,

Тупроғидай покиза бобомларнинг дили
ҳам.

Бобомнинг қўлларидан
Кўклам ҳиди келади...

1979



ЎН ОЛТИГА ТЎЛГАНДА

Кечалар узун бўлар ўн олтига тўлганда,
Қай жўмард сўзинг бўлар ўн олтига
тўлганда,
Қўл урсанг тоғлар қулар ўн олтига
тўлганда.
Чарақлаб офтоб кулар ўн олтига тўлганда,
Ўн олтига тўлдим ман деган тилинجدан,
укам,
Бутун олам завқини туйган дилинجدан,
укам.

Бугун сенинг бўйингга ҳавас билан
қарайман,
Чақноқ орзу ўйингга ҳавас билан
қарайман,
Шўхлик тўла куйингга ҳавас билан
қарайман,
Эркалансанг, суюнсанг, ҳавас билан
қарайман,
Ўн олтига тўлдим ман деган тилинجدан,
укам,
Бутун олам завқини туйган дилинجدан,
укам.

Қатталардек ўзингни ҳис қиласан бугун
сен,

Менга аён кимлигинг, ўзгаларга тугун сен,
Нелар кутар олдинда, билолмайсан бу
кун сен,
Армон қилиб юрмасанг, бўлгани шу бир
кун сен,
Ун олтига тўлдим ман деган тилингдан,
укам.

Ун олтига боқиб ман, эҳ, неларни
уйладим,
Алпомишим, жўмардим, фақат сенга
суйладим,
Ун олтининг завқини фақат сендек
туймадим,
Кўрганимни кўрсин деб, сенга атаб
қуймадим,

Ун олтига тўлдим ман деган тилингдан,
укам,
Бугун олам завқини туйган дилингдан.
укам.

Уйламагин бу йўллар бари равон, текис
деб,
Каму кўстдан дарак йўқ, бари бўлар
тўкис деб,

Мен топмадим бирорта одамларда
нуқус деб,
Мен бахтимни топарман кўнса агар у
қиз деб,

Ун олтига тўлдим ман деган тилингдан,
укам,
Бутун олам завқини туйган дилингдан,
укам.

Кўрганимни қўя қол, кўрмаганим сеники,
Мен юрмаган йўллар кўп, юрмаганим
сеники,

Сухбатимга зорлар кўп, қурмаганим сеники,
Ун олтида завқу шавқ сурмаганим сеники,
Ун олтига тўлдим ман деган тилингдан, укам,
Бутун олам завқини туйган дилингдан, укам.

Иигит бўлиб ҳеч қачон сўзимдан қайтмаганман,
Ўзим очган йўлим бор, изимдан қайтмаганман,
Онам ёлган иссиқ нон, тузимдан қайтмаганман,
Ўзимники ўзимга, ўзимдан қайтмаганман,
Ун олтига тўлдим ман деган тилингдан, укам,
Бутун олам завқини туйган дилингдан, укам.

Узлигингни йўқотсанг, ўша кунни тамом сан,
Истамайман ҳеч қачон ном олишинг ёмон сан,
Даламиздай сахий бўл, бўлгин доим жаҳон сан,
Кўзимни яйратувчи бўлгин доим осмон сан,
Ун олтига тўлдим ман деган тилингдан, укам,
Бутун дунё завқини туйган дилингдан, укам.
Тақдир деган қизиқ сўз, хўп қизиқ бу тушунча,

Сен унга банди бўлсанг, борлигинг битта
қулча..
Айланмасин ушоққа сенга аталган кулча,
Алпомишим, жўмардим, кўзга яқинсан
шунча,
Ўн олтига тўлдим ман деган тилингдан,
укам,
Бутун олам завқини туйган дилингдан,
укам.

Суймадим десам уят, суйганман бу
ёшингда,

Қуймадим десам уят, куйганман бу
ёшингда,
Сендек неларга ҳавас қўйганман бу
ёшингда,
Бу ёшингдан ўргилай, не чаман бу
ёшингда,
Бутун олам завқини туйган дилингдан,
укам.
Ўн олтига тўлдим ман деган тилингдан,
укам.

1977



МУНДАРИЖА

Ҳаётбахшилик. Пўлат Мўмин	3
Чеҳралар	5
Уруш болалари	8
Денгиз балладаси	11
Қасам ҳақида баллада	13
«Тунда осойишталик...»	17
Учбурчак мактублар	19
«Қўшнимиз жангдан қайтди...»	22
«Ҳар баҳор, ҳар байрам...»	25
Қўшни кампир илтижолари	27
Жаббор отанинг айтганлари	30
Қушчаларим қўшиғи	32
Отанинг ўртоқлари	36
Икки дўст ҳақида баллада	38
«Ука, мен сенга айтсам...»	42
Адашган хабар балладаси	45
Уттиз ёшлилар	50
«Менинг ўз бурчим бор...»	52
Бобомнинг қўллари	54
Ўн олтига тўлганда	57

Барноев Сафар.

Чеҳралар: Шеърлар, балладалар.—
Т. «Ёш гвардия», 1984.— 64 б.

Барноев Сафар. Лики. Стихи, балла-
ды.

Уз2

САФАР БАРНОЕВ

ЛИКИ

Стихи, баллады

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1984 г.

Редактор Х. Давронов

Рассом А. Сухарев

Расмлар редактори Р. Зуфаров

Техн. редактор Н. Мирзаева

Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 1410

Босмахонага берилди 1.11.83. Боснишга рухсат этилди 16. 01. 84. Р-01514. Формати 70×90¹/₃₂. 1-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,34. Нашр листи 2,11. Тиражи 10,000. Шартнома № 44—83. Буюртма № 18. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.

Б $\frac{70403-14}{356(04)-84}$ —84 47000 000 00

**УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ 1984 ЙИЛДА
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТАДИ:**

Асқад Мухтор.
«Жар ёқасидаги чақмоқ».

Барот Бойқобилов.
«Силсила».

Омон Матжон.
«Дарахтлар ва гиёҳлар китоби».

Хуршид Даврон.
«Тўмарис кўзлари».

Эркин Самандар.
«Баҳор оқшомлари».

Эътибор Охунова.
«Тонг келинчаги».

Рўзи Қодирий.
«Дўстлик нашидаси».